# ҲАЁТИМИЗ ПРОГРАММАСИ

КПСС XXVII СЪЕЗДИ

КПССНИНГ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ПРОГРАММАСИ, ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШЛАР БИЛАН ПАРТИЯ УСТАВИ, СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986—1990 ЙИЛЛАРГА ВА 2000 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИ—УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА





## ФРУНЗЕ РАЙОНИ: КОНФЕРЕНЦИЯДАН—КОНФЕРЕНЦИЯГАЧА

Ўтган давр мобайнида район саноати потенциали янада юксалди. Бир қатор ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди, машинасозлик, енгил саноат, халқ истеъмоли товарларининг янги турларини ишлаб чиқаришга киришилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати илгариги йилларга қараганда яхшиланди. Ҳозирги кунда меҳнат коллективларида КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, таклиф этилаётган ўзгартиришлар билан партия Устави, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳалари кенг муҳокама қилинмоқда. Бу борада конкрет таклиф ва истаклар билдириляпти.

▲ Республикамизда ўтказилаётган ягона сиёсий кунда «Билим» жамияти лекторлари мунтазам «Таштекстильмаш» заводи ишчилари ўртасида суҳбатлар ўтказишмоқда.

▲ Б. Хмельницкий кўчасида қад кўтарган янги турар жой комплекси — бугунги кунда район кўрки бўлиб қолди.

▲ Райондаги 34 ва 7-ўрта ҳунар-техника билим юртларида бўлажак темир йўлчилар ва маиший хизмат кўрсатиш ходимлари тайёрланади. Бўлажак ишчилар тез-тез амалий машғулотлар ўтказиб туришади.





• *Беш йиллик вахтасида*

### Тараққиёт йўлидан

Тошкент булка-кондитер комбинати коллективи янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, илғор тажрибаларни оммалаштиришга катта аҳамият бермоқда. Ишлаб чиқаришни интенсивлаш учун олиб борилаётган изланишлар салмоқли натижалар беряпти. Буни қуйидаги мисолдан ҳам кўрса бўлади. Корхонада шу йилнинг ўзида йигирма хил янги маҳсулот ўзлаштирилди.

Социалистик мусобақанинг кенг йўлга қўйилиши туфайли беш йиллик план муддатидан олдин бажарилди. Комбинат ишчи ва хизматчилари йил охирига қадар беш йиллик топшириққа қўшимча 7,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш бўйича социалистик мажбурият қабул қилишди.

КПСС XXVII съезди шарафига бошланган меҳнат беллашувида макарон цехининг коллективи пешқадамлик қилмоқда. Цех ишчилари шу кунларда келгуси йил ҳисобига маҳсулот тайёрлашмоқда. Коллективдаги меҳнат беллашувида Нина Малеванная, Ўткир Абдуллаев, Жамолиддин Исомов етакчилик қилаётган бригадалар пешқадамлик қилишяпти.

Корхонада замон талаблари асосида ишлаб чиқаришни интенсивлаш, буюмлар хилини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳаракати давом этмоқда.



• СССР Давлат мукофоти лауреатлари

## ФАН—ҲАЁТНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

• БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

Фан ва техника соҳасида 1985 йилги СССР Давлат мукофотларига сазовор бўлганлар орасида ҳамшаҳримиз, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физиология институтининг директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Бекжон Ойбекович Тошмуҳамедов ҳам бор. Шу муносабат билан «Тошкент оқшоми» мухбири М. Комилжонов у билан суҳбатлашди.

**— Ҳурматли Бекжон Ойбекович, Сизни Ватанимизнинг юксак мукофоти — СССР Давлат мукофоти лауреати бўлишингиз муносабати билан кўп сонли оқшомхонлар номидан чин қалбдан табриклаймиз.**

— Аввало, самимий истак учун катта раҳмат. Биласизми, халқимизда «Меҳнат қилган — элда азиз» деган яхши бир мақол бор. Одам ҳаёти давомида ана шу ҳикматга амал қилса ҳеч янглишмайди. Зеро, меҳнатсиз ҳаёт бўлмаганидек, машаққатсиз омад ҳам бўлмайди, албатта. Бирон бир янгилик зўр машаққатлар эвазига рўёбга чиқади. Шунингдек, бугун менга катта қувонч олиб келган «Нерв импульслари генерациясининг молекуляр механизмларини тадқиқ қилишда нейротоксинлари» мавзуидаги туркум иш ҳам менинг ва бир группа олимларнинг ўн йиллик иш маҳсулидир.

Бу янгиликнинг рўёбга чиқишида мен билан баравар хизмат қилган: СССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари В. Т. Иванов, В. Ф. Бистров, Украина ССР Фанлар академиясининг академиги В. К. Мишко, профессорлар Б. И. Ходоров, Г. Н. Можаева, химия фанлари кандидатлари Е. В. Гришин, В. И. Цетлинларни ҳам СССР Давлат мукофотига сазовор бўлганликлари билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

**— Яқинда матбуотда эълон қилинган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаси»да фан ва техника тараққиётини жадаллаштиришга ҳам катта эътибор берилган. Албатта бу, олимларимиз олдига ҳам қатор вазифаларни қўяди. Шу хусусда сиз қандай фикрдасиз?**

— Жуда катта аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжатдаги фан ва техника ҳақида билдирилган барча фикрлар биз олимлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Шуни ҳисобга олиб, яқинда биз уни коллективда чуқур ўрганиб чиқдик. Унда партиянинг иқтисодий стратегияси батафсил баён этилган. Чиндан ҳам фан-техника тараққиётини ҳар томонлама жадаллаштириш беш йилликнинг энг муҳим сиёсий ва хўжалик вазифасидир. Шу мақсадда ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жиҳатдан ўзгартиришда, экономикани, ижтимоий меҳнатни ҳар томонлама интенсивлаш, унинг самарадорлигини ва меҳнат сифатини ошириш изларига кўчиришда фан ва техниканинг ролини қатъиян ошириш, шу билан бирга фан-техника тараққиётини социал вазифаларни ҳал этиш йўлига қаратишни кучайтириш лозим.

Янги таҳрирдаги КПСС Программасининг лойиҳасидаги **«Фан ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда ва ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришда, янги техника ва технологиянинг принципиал жиҳатдан янги хилларини яратишда, меҳнат унумдорлигини оширишда, ер ости бойликларини, океан, космосни ўзлаштиришда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштиришда тобора катта роль ўйнайди»**, дейилган сўзлар биз олимларга тааллуқлидир. Чунки фан ҳаётнинг етакчи кучи бўлган ва шундай бўлиб қолади.

**— Албатта, ҳар бир соҳанинг ўз билимдонлари бўлади. Ўша соҳага тетапоя қадам қўйиб келаётган ёшлар эса ана шундай иқтидорли олимларга суянади. Уларни ўзларига устоз деб биладилар...**

— Яхши гап. Кўпинча мендан ҳам, биринчи устозингиз ким, деб сўрашади. Шундайларга мен ҳамиша, биринчи устозим отам деб жавоб бераман. Зеро, гўдак ақл-одоб ва тарбия куртакларини ота-онадан ўрганади. Қолаверса, боланинг илк саводи ҳам уйдан бошланади. Хўш, шундай экан, жамиятимиз кишилари учун биринчи устоз ота-онадан бўлак ким бўлиши мумкин?

Отам Ойбекнинг ҳар бир фазилати мен учун катта ибрат. Дадам билан мароқли суҳбатларимизни эсласам ўйланиб қоламан. Шундай кезларда дадам ҳамиша «Фан йўли оғир, у худди игна билан қудуқ қазишдек гап, бу йўлга фақат фидойи кишиларгина бел боғлашади. Ана ўшаларгина барча тўсиқларга бардош берадилар», деб уқтирар эдилар. Ижоднинг оғир дамларида шу сўзларни эсласам фикрларим бирдан айқаш-уйқаш бўлиб кетади. Кўз ўнгимда пайдо бўлган чақин зумда хаёлимдаги булут парчаларини суриб ташлайди-ю, тасаввуримга мусаффо оқимини бошлаб киради. Қолаверса отамнинг ҳар бир асаридаги ижобий қаҳрамонлар мен учун катта мактаб йўли ҳисобланади.

Тўғри, ҳар қандай бошловчи ижодкор учун, албатта ҳақиқий маънодаги устоз ҳам зарур. СССР Фанлар академиясининг акедемиклари Ю. А. Овчинников, П. Г. Костюк ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ё. Ҳ. Тўрақуловларни мен ўзимнинг устозларим деб биламан.

Устоз ва шогирд ҳақида гап борар экан, ёшлар тўғрисида ҳам икки оғиз сўз айтгим келади. Ҳозирги ёшларнинг жасоратига таъриф йўқ. Масалан, Байкал-Амур магистралини олайлик. Ахир бу ерда озмунча ёшлар хизмат қилаяптими? Ноқоратупроқ ўлкадаги ёшлар меҳнати-чи? Шу кеча-кундузда серқуёш республикамиз пахтазорларида жавлон ураётган студент-ёшлар ҳимматини айтмайсизми?

Ҳали ўзим устозлар маслаҳатига ташна бўлсам-да, баъзи ёшларга мураббийлик қилишдек масъулиятли ишга қўл урганимдан фахрланаман. Шогирдларимдан ўнтаси фан доктори ва 35 таси фан кандидати илмий даражаси билан фанимиз истиқболи йўлида меҳнат қилаяпти. Масалан, З. Бекмуҳамедова, А. И. Гагельганс, П. Усмонов, З. Маҳсудовалар куюнчакликлари ва изланувчанликлари билан мени ҳамиша хушнуд этишади. Худди ана шу ёшлар фанимизнинг эртанги куни ва истиқболидир.

**— Сизнинг олим бўлиб етишишингизда асосий туртки — омиллар нима?**

— Эсимда, 1953 йилларнинг илк баҳори эди. Отам Ойбек, Зарифа онам ва мен уйда суҳбатлашиб ўтирардик. Шунда онам қўлларидаги «Фан ва техника» журналини варақлай туриб, бирдан менга тикилиб қолдилар. Онамнинг фикрларини зумда англаган отам: «Болангдан олим чиқармикан», деган маънода бошларини сарак-сарак қилдилар. Онам менга маъюс термулиб: «Ким билади, энди бу ҳам бир орзу-да», — дедилар. Шу сабабми, аниқ билмайман, лекин ҳар қалай шу кундан бошлаб ота-онам орзусини рўёбга чиқаришга аҳд қилдим. Шу ният мени Москва Давлат университетининг биология факультетига етаклади. Бу ерда менга биология илмининг йирик мутахассис олими Хачатурян Сергеевич Коштоянц устозлик қилдилар. Улар ёрдамида диплом ҳимоя қилдим, фан кандидати бўлдим.

1962 йили Тошкентга қайтдим. Илм йўлига биринчи қадамни қўйганимдан отам ва онам ўзларида йўқ хурсанд эдилар.

Фандаги ютуқларимда рафиқам Ойниса Тошмуҳамедованинг ҳам хизмати бор. Мен у билан Москва Давлат университетида ўқиб юрган чоғларимизда танишганман. Ҳозир Ойниса доцент, ТошДУда химия фанидан дарс беради. Фарзандларимиз Ойнур ва Юлдузлар ҳам изимиздан боришяпти.

**— Бекжон Ойбекович, келгуси ижодий режаларингиз ҳақида гапириб берсангиз.**

— Инсон тилак-орзуси доим меҳнатига қанот бағишлайди. Мен ҳам катта орзулар билан яшаяпман. Тинчлик, саломатлик ва энг яхши маслаҳатгўйинг бўлса, албатта мақсадга эришилади. Мен шу ўринда Зарифа онажонимни назарда тутаяпман. Чунки онам менинг энг яхши маслаҳатгўйим. Чарчасам ёки бирор масалани ҳал этмоқчи бўлсам дарҳол онам ҳузурига йўл оламан. Уларнинг ширин сўзлари-ю, меҳр нурлари кўнглимга таскин беради. Бир зумда дилим ёришиб кетади. Зеро, биз фарзандлар учун она меҳридан улуғ, қалб ҳароратидан буюк куч дунёда йўқ. Зарифа онажонимнинг куни-кеча ўтган Улуғ Октябрь байрами арафасида Беруний номли республика Давлат мукофотини олганларига бир олам қувондим.

Дунёда тинчлик бўлсин, оналар бахтиёр, фарзандлар баркамол бўлсин.

Оқшомхонларга тинчлик-хотиржамлик, меҳнатда катта зафар, ҳаммаларига бахт-саодат тилайман.

# ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

## ҲАМКОРЛИК ЁРДАМ БЕРМОҚДА

БУДАПЕШТ. Бу ердаги интеграл схемалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Микроэлектроника» комбинатида автомат линия монтаж қилинди. Бу линия учун асбоб-ускуналар Совет Иттифоқидан келтирилди. Янги линия ишга туширилгач, «Микроэлектроника» комбинатининг қуввати қарийб 20 процент ошди. Комбинат ВХР электрон саноати учун буюмлар ишлаб чиқараётган мамлакатда энг катта корхонага айланди.

Кейинги йилларда Совет Иттифоқидаги ҳамкасблар билан ҳамкорлик кўп даражада комбинатнинг фаолиятини белгилади, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда корхонанинг бош директори М. Шандори. Совет корхоналари мутахассислари билан ҳамкорлик туфайли биз ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини ошириб, унинг сифатини яхшилабгина қолмай айни вақтда маҳсулот турларини кўпайтириш имкониятига эга бўлдик. Бугунги кунда биз ишлаб чиқараётган узеллар, деталлар ва асбоб-ускуналарни чет элларда ва биринчи навбатда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларда яхши маълумдир. Бироқ, совет буюртмачилари бизнинг асосий шерикларимиздир. Шу йилнинг ўзидагина биз СССРга 20 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот етказиб берамиз.

Электроника Венгрия экономикасининг энг муттасил ривожланаётган тармоқларидан бири бўлиб қолди. Шу беш йиллик мобайнидагина электрон ҳисоблаш машиналари, робот техникаси буюмлари яратиш ва ишлаб чиқаришга давлат 200 миллион форинтдан ортиқ маблағ сарфлади.

## ТРАМВАЙНИНГ КАТТА ИСТИҚБОЛИ

БЕРЛИН. Трамвай шаҳар транспортининг энг эски турларидан бири деб ҳисобланса ҳам, ГДРнинг замонавий саноат марказлари транспорт системасида у бундан буён ҳам муҳим роль ўйнайди. Республиканинг транспортчи мутахассислари шундай деб ҳисоблайдилар.

Ҳозирги вақтда 27 та шаҳарда 180 дан кўпроқ трамвай маршрути бор. Уларнинг сони муттасил ўсиб бормоқда. Шу беш йиллик мобайнидагина жами узунлиги 100 километрдан кўпроқ бўлган 20 та янги линия ишга туширилди. Бу линиялар Берлин, Потсдам, Галле, Коттбус, Дрезден, Магдебург, Лейпциг ва Шверин янги қурилиш районларини шу шаҳарларнинг марказлари билан боғлади.

Ҳаракатдаги составнинг доимо кўпайиб, янгиланаётгани трамвай тармоғини ривожлантиришга кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда. Эски нусхадаги вагонлар ўрнини Чехословакиянинг «ЧКД-Татра» корхонасида ишлаб чиқарилган тез юрадиган замонавий поездлар эгаллади. Тез юрадиган, тежамли ва атроф-муҳитни булғамайдиган бу поездлар замонавий шаҳар транспортига қўйилаётган барча талабларга жавоб беради.

## СОВЕТ ЭКСПОЗИЦИЯСИГА ЮҚОРИ БАҲО БЕРИЛДИ

ЛУАНДА. МПЛА — меҳнат партиясининг раиси, Ангола Халқ Республикасининг президенти Ж. Э. Душ Сантуш бу ерда ўтаётган «Филда — 85» халқаро ярмаркасидаги совет экспозициясини бориб кўрди. У совет павильонига қўйилган экспонатларга юксак баҳо берди. Президент икки томонлама савдо-сотиқ ва иқтисодий муносабатларнинг ривожланишидан Ангола билан СССР ўзаро манфаатдор эканлигини уқтирди.

Кейинги 5 йил ичида Совет Иттифоқи Анголага етказиб бераётган маҳсулот миқдори шундан аввалги беш йилдагига нисбатан икки баравар кўпайди. СССР Анголага энг кўп ҳар хил маҳсулот етказиб бераётган мамлакатлардан бирига айланди.

Совет Иттифоқи Луандада ташкил қилинган халқаро ярмаркада иккинчи марта қатнашмоқда. Бу йил экспозицияга 1400 дан кўпроқ экспонат қўйилган. Булар орасида юк автомобиллари ва енгил автомобиллар, тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси, халқ истеъмол моллари бор. Чиройли қилиб безатилган стендлар фан ва техника соҳасида СССР эришган ютуқлар тўғрисида, Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсати, у тинчлик учун ва ядро урушининг олдини олиш учун изчиллик билан кураш олиб бораётганлиги ҳақида ҳикоя қилади. Алоҳида бўлим СССР билан АХР ўртасидаги алоқаларга, икки мамлакат ўртасида ўн йилдан буён давом этиб келаётган самарали ҳамкорликка бағишланган.

## Йўқолсин НАТО!

МАДРИД. Испания пойтахтида ва бошқа бир қанча шаҳарларда тинчлик тарафдорларининг оммавий намойишлари бўлиб ўтди. Намойишлар «Йўқолсин НАТО», «Испания диёрида Американинг ҳарбий базаларига ўрин йўқ», «Ҳарбий харажатлар қисқартирилсин» — деган шиорлар остида ўтказилди.

Намойишчиларнинг кўп минг кишилик колонналари машъала кўтариб барабан садолари остида Мадрид атрофидаги шаҳарлар ва қишлоқлардан пойтахт маркази томон келдилар. Майдонларда ва хиёбонларда кўп кишилик митинглар бўлиб ўтди. Барселона ва Испаниянинг бошқа шаҳарларида ҳам намойиш ва митинглар ўтказилди.

Бу тадбирлар мамлакатнинг Шимолий Атлантика шартномаси ташкилотида қатнашишига ва Испания территориясида Американинг ҳарбий кучлари сақланиб қолишига қарши кенгайиб бораётган норозилик кампаниясининг таркибий қисми бўлди. Кампания ташкилотчилари орасида бир қанча сўл сиёсий партиялар ва касаба союз бирлашмалари, урушга қарши ташкилотлар бор. Улар мамлакатнинг НАТОда қатнашиши тўғрисидаги масала хусусида шошилинч референдум ўтказилишини талаб қилмоқдалар. Жамоатчилик фикрини ўтган ҳафтада сўраб билиш натижаларига кўра, деб хабар беради Рейтер агентлиги, мамлакат аҳолисининг 63 проценти шундай референдум ўтказилишини ёқлаб чиқмоқда. Савол-жавоблар аҳолининг атиги 19 проценти ҳукуматнинг Шимолий Атлантика блокига Испания қатнашувини сақлаб қолишга қаратилган йўлини қўллаб-қувватлаётганлигини кўрсатди.

## ОДДИЙ АМЕРИКАЛИКЛАРНИНГ ФИКРЛАРИ

САН-ФРАНЦИСКО. Бу хатлар Лос-Анжелес ва Сан-Францискодан, Сакраменто ва Портленддан, АҚШ ғарбий соҳилидаги катта ва кичик шаҳарлардан келиб турибди. Уларни мактаблар ва университетларнинг муаллимлари, студентлар ва фермерлар, олимлар ва пенсионерлар, уй бекалари ва ишчилар ёзишмоқда. Улар тинчликка интилаётганликларини айтадилар ва АҚШ маъмурияти, ниҳоят, жуда кўпчилик оддий америкаликлар фикрига қулоқ солади, деб умид билдирадилар.

Қурол-яроғлар устидан контроллик ўрнатиш тўғрисида муҳим таклифларни ўртага қўйганлиги учун СССРга миннатдорчилик билдиргим келади, бу таклифлар дунёни ядро уруши хавфидан халос қилиш имкониятини беради», — деб ёзади Беркли шаҳрида истиқомат қилувчи Говард Бэнфорд. «Сўнгги урушда шу қадар кўп қурбонлар берган мамлакат тинчликка астойдил интилаётганига аминман ва янги совет тинчлик ташаббуслари буни исботлайди», — деб таъкидлайди Калифорнияда яшовчи Ричард Катц.

«АҚШ ташқи сиёсатининг агрессив мақсадларни кўзлаши ва унинг суверен мамлакатлар ва халқларга ўз иродасини қурол кучи билан тиқиштиришга уринишлари — ҳозирги халқаро кескинликнинг энг катта сабабидир», — деб уқтиради Майк Шэннен.

## «СУНЪИЙ ТОҒ» ЭВАЗИГА

Япон мутахассислари амалий қимматга эга бўлган ажойиб таклифни киритишди. Уларнинг ҳисоб-китобига қараганда ер куррасидаги қурғоқ районларни осонгина суғориш мумкин экан. Киритилган таклифга кўра, пластмассадан ясалган улкан «тоғ» қоялари осмондаги муаллақ турган ёмғирли булутларни йиғиб бериши мумкин. Қисқа вақт ичида узунлиги 10 километр, эни —1,2, баландлиги —600 метр келадиган «сунъий тоғ» барпо этса бўлади. Бу усул билан ёмғир сувларини бемалол тўплаш имкони туғилади. Самарали усул қўлланилган амалий тажрибалар яхши натижа берди.

## ТАШВИШГА ТУШИШМОҚДА

Ўтган беш йил мобайнида Италияда йўл-транспорт ҳодисалари туфайли 12 минг киши ҳалок бўлди. Тортона шаҳрида (Алессандрия вилояти) бўлиб ўтган миллий автотранспорт федерацияси конференциясида мамлакат ички ишлар министрлигининг масъул ходими ана шу нохуш фактни келтириб ўтди. Унинг таъкидлашича, кўп ҳоллардаги йўл ҳодисалари бадмаст ҳайдовчиларнинг айби билан содир бўлмоқда. Конференция қатнашчилари йўл ҳаракатининг бехатарлиги учун бир қатор янги қоидалар ишлаб чиқишиб, автомобилни кайф билан бошқарганларга нисбатан қатъий чоралар кўрилишини талаб этдилар.

## ҚИЗИҚАРЛИ ТАКЛИФ

Бир қатор касалликларни келтириб чиқараётган инсон танасидаги ортиқча юк турли мамлакат врачларини ташвишга солмоқда. Мутахассислар озишнинг турли йўлларини таклиф этишмоқда. Англиялик олим озишнинг осон йўлини таклиф қилди. Унинг фикрича, овқатланиш хонасини кўк ёки зангори бўёқ билан бўяш керак экан. Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, кўк ва зангори рангдаги хоналарда овқатланиш пайтида иштаҳа йўқолиб, сариқ ва тўқ сариқ рангдаги хоналарда эса иштаҳа очилар экан.

